

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

“Педагогика ва психология” кафедраси

“Педагогик технологиялар”

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**Тузувчилар: Педагогика ва психология кафедраси доценти
М.Абдужабборова, п.ф.н., Г.Акромова ва бошқалар**

5- МАВЗУ: ТАРБИЯ ПСИХОЛОГИЯСИ. ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИ ВА ФОРМАЛАРИ

Тошкент – 2017

ТЕХНОЛОГИК КАРТА

5-МАВЗУ

Мақсад ва вазифалар

Тарбия психологияси. Тарбия методлари ва формалари

Тарбия психологияси, тарбия методлари билан таништириш

- Шахснинг тарбиялашда ушбу методларнинг аҳамияти ва моҳиятини тушунтириш.

Уқув жараёнининг мазмуни

- Шахсни тарбиялаш методлари ва формалари.

- Ақлий, эстетик ва меҳнат тарбияси методларининг ўзига хос хусусиятлари.

- Тарбияси қийин ва ўзлаштирмовчи ўқувчилар билан ишлаш методлари.

- Жинсий тарбиялаш.

Уқув жараёнини амалга ошириш технологияси

Метод: Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади.

Шакл: аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш.

Восита: тарқатма материаллар — матнлар, маълумотномалар

Усул: ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида.

Назорат: савол-жавоблар

Кутиладиган натижалар

Уқитувчи:

Маърузачи қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдида қўйган мақсадига эришади.

Талаба:

Янги билимларни эгаллайди. Якка ҳолда ва гуруҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади..

Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)

Педагогик психологик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзунинг ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.

5- МАВЗУ: Тарбия психологияси. Тарбия методлари ва формалари

Режа:

1. Шахсни тарбиялаш методлари ва формалари.
2. Ақлий, эстетик ва меҳнат тарбияси методларининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Тарбияси қийин ва ўзлаштирмовчи ўқувчилар билан ишлаш методлари.
4. Жинсий тарбиялаш.

Тарбия шахсни шакиллантириш мақсадига қаратилган ва унда ҳаётий эътикод ва ҳис-туйғулар, маънавий ҳулқ-атвор ҳосил қилиш жараёнидир. «Таълим-тарбияни янги замон талаблари даражасига кутариш ушиб келаётган ёш авлодларимизнинг порлоқ келажагини гармоник устириш имкониятини яратиш» (И.Каримов Ўзб.Р Президенти, Олий Мажлиснинг IX сес.Қадрлар тайёрлаш миллий дастури) ҳозирги куннинг асосий масаласидир.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури шуни назарда тутадик, бошқа муҳим масалалар қаторида Миллий қайта тикланиш мафқураси ва ҷамият бойлиқлари асосида ўқувчиларни маънавий ва ахлоқий ҳислатларини устириш, ўқувчиларнинг ҳулқ маданиятини шакллантириш, барқамол насли тарбиялаб етиштириш орқали ҳақиқий инсон қилиб тарбиялаш лозим.

Ҳозирги замон тарбиясининг мақсад ва вазифалари аввало, ёшларни чинакам маърифатли киши қилиб, инсон қадрини, миллий қадриятларини ўзлигини англаш, эркин ва озод ҷамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамҷамиятида ўзига муносиб, бўрили ўрин эгалайдиган фидойи инсонни тарбиялашдир.

II. Тарбия - махсус фаолият сифатида муайян дастурнинг, англаб олинган мақсадининг мавжудлиги билан, таъсир қурсатишининг махсус ишлаб чиқилган ва асослаб берилган воситалари шакллари ҳамда усулларини қулланиши билан тасодифий ва стихияли таъсирлардан ажралиб туради. Соғлом тарбиявий вазиятсиз муқаммал шахс вужудга келмайди.

Ўқувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятини тўғри ташкил қилиш, ижобий ахлоқий, ижтимоий ҳулқ-атвор тажрибаси шахснинг таркиб топишида муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, биргина фаолиятнинг ўзида шахснинг ҳар-ҳил ва ҳатто бир-бирига қарама-қарши сифатларини таркиб топтириш мумкин. Бунинг асосида мактаб ўқувчиси амал қиладиган мотивлар ётади. Бу ҳулқ-атвор шахсан ўқувчининг ўзи ўчун қандай маънога эга бўлишига қараб, унда ҳар-ҳил сифатларни таркиб топишига сабаб бўлади.

М: Укувчи уртогини принципал асосда танкид килса – унда катъийлик, халоллик; агар уз айбини уртогига куйиш булса – худбинлик индивидуализм, эгоизм пайдо булади.

Фаолият – одамни шахс сифатида шакилантириш асоси хисобланади. Бола уйин, укиш ва меҳнат фаолиятига кандай муносабатда булса, унда шу фаолият асосида ижобий ва салбий сифатлар шаклланиши мумкин. Укиш ва уйинга ижобий муносабат, илмга интилишга кизикиш, меҳнатсеварлик кабилар билан, салбий муносабат эса ишёкмаслик, дангасалик узини идора кила олмаслик кабилар шаклланишига сабаб булади.

Шунинг учун ҳам фаолиятининг етакчи типларини уюштириш бола шахсини шаклланишига мақсадга мувофиқ таъсир этиш воситасидир. . .

Ахлокий эҳтиёжларнинг туб моҳияти бу: 1) инсоннинг ахлокийлиги бошқалар билан мулоқотда булишини ижтимоий шарт-шароит мавжуд булишини; 2) индивдуал онгининг ахлокий томонларни шакилланишини ижтимоий шарт-шароитдаги тарбияга боғликлиги билан белгиланади. Ва нихоят, ҳаётнинг конкрет ҳолларини ҳисобга олган ҳолда ахлокий эҳтиёжни ҳис-туйғуга, фикрлашига боғликлиги муҳимдир.

Ахлокий фазилатларни намаён булиши ижтимоий бурч тушунчаси бола онгига кандай сингдирилишига боғлиқ. Бурч- бу жамият ва жамоанинг инсон олдида қуйган турли-туман талабларини ифодаловчи тушунчадир. Ижтимоий бурч – кенг маънодаги тушунча булиб, бу одамийлик, ватанпарварлик бурчи, қасб бурчи, ота-она олдидаги бурчдир.

III. Ёшларнинг ахлокий фазилатларини тарбиялашда умуминсоний ва миллий бойликлардан фойдаланиш муҳимдир. Чунки умуминсоний ва миллий бойликлар ҳамда уларнинг шахс шаклланишидаги роли аҳамиятлидир. Миллий анъаналар, урф-одатларимизнинг тикланиши миллий, умумбашарий ва умуммаънавий қадриятларга асосланган ахлоқ нормаларини яратиш ва уларни болаларимиз, ёшларимиз онгига сингдириш орқали уларни жамиятимиз учун фидокор, билимдон инсон қилиб тарбиялашга асос булади.

Миллий анъаналар - ҳар бир халқнинг маънавий ҳаётининг маҳсули булиб, уша халқнинг ижтимоий фикри миллий анъаналарни уларнинг маънавий эҳтиёжига айлантиради. Миллий анъаналар ёшларда ижтимоий онгни тарбиялайди, уларнинг ҳар томонлама қамолга етган инсон булиб етишишида муҳим урин тутди. У шахс характери ижобий томонга шакллантиришда фаол иштирок этади, ёшлар мафқурасига психологик таъсир қилади.

IV. Бола шахсини тарбиялашда ижтимоий фойдали фаолият ҳам муҳим рол уйнайди. Чунки у тарбиянинг энг қулай шарт ва воситаси ҳисобланади.

Ижтимоий фойдали фаолият, меҳнат тарбия воситаси бўлиши учун:

1. боланинг меҳнати ижтимоий фойдали меҳнат бўлишига;
2. ижтимоий қийматга эга бўлган фойдали маҳсулот меҳнат натижаси бўлишига;
3. меҳнат жамоа меҳнати бўлишига;
4. у ташаббускор ва ижодий меҳнат бўлишига;
5. меҳнатда уз-узини уюштириш ва мустакил фаоллик курсатишнинг ҳар хил шакллари қуланилишига аҳамият бериш керак.
6. Уқувчиларнинг меҳнати - уларнинг узлари учун кизиқарли бўлиши;
7. Боланинг қучига мос бўлиши;
8. Уқув фаолияти билан боғлиқ бўлиши;
9. Меҳнат учун жазолашга мутлақо йўл қўйилмаслик керак.
10. Шунинг синчиклаб пухта, виждонан бажариш меҳнат анжомларини асраш ва тежашга ургатадиган бўлиши лозим.

V. Болалар жамоаси ва унинг тарбиявий имкониятлари. . . .

VI. Тарбияси «кийин» бўлган болалар билан ишлаш:

- а) уларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш;
- б) кизиқиш ва эътиқодларини ҳисобга олиш;
- в) тарбиявий усулларини танлаш;
- г) тарбиянинг махсус шароитларини аниқлаш.

VII. Шахснинг маънавий сифатларини шакллантиришда маънавий онг ва ҳулқ-атвор бирлиги муҳимдир. Ёшларни уз-узини англаши, яхши-ёмон ва адолатли-адолатсизликни ҳис қилган ҳолда уни уз-узига татбиқ қилиши, узини тарбиялаш тарбиянинг психологик механизмини ташкил қилади.

Уз – узини тарбиялашда 4-та вазифа назарда тутилади

1. узида шахснинг ижобий ҳислатларини тарққий этиришга ва уз ҳулқ-атворидаги ёмон томонлардан ҳолис бўлишга интилиш.
2. Уқувчига уз шахсига танқидий муносабатда бўлишига, уз ҳулқ-атворидаги хусусиятларини диққат билан ва оқилона тушуниб

олишида, уз камчиликларини яккол куришда, уз нуксонларини фахмлаб олишида ёрдамлашиш.

3. Уз-узини тарбиялаш режасини тузишда, шахс хулк-атвори хислатларини кайси хусусиятларини тараккий эттириш, кайсисига бархам бериш кераклигини аниклаш.

4. Тарбиячи уз-узини тарбиялашнинг окилона йулларини аниклаши.

VIII. Ватанпарварлик рухида тарбиялаш

Ватанпарварликни шакллантиришда:

А) Она-ватанга мухаббат, уни севиш, эъзозлашга ургатиш.

Б) Мустакил Ўзбекистон тушунчасининг мохиятини укувчилар онгига сингдириш.

В) Ёшларни халкимиз анъаналарига, удумларига, тили ва маданияти, рухиятига хурмат билан карашга ургатиш.

Г) Буюк даҳоларимиз қолдирган маънавий меросларни асраб авайлаш, уларнинг тарихини бугунги кун учун аҳамиятини идрок этиш

Д) Ёшларда соғлом куч, соғлом тафаккур, иймон-этикодни уйғотиш

Е) Ватан олдидаги масъулият, миллат манфаати учун курашнинг мохиятини англаш.

Ж) Укувчиларда униб усган юртига, вояга етказган ота-онасига ва таълим-тарбия берган устозига таъзим қилиш малакасини шакллантириш.

Ватан ва ватанпарварлик эгизак

Назорат саволлари:

1. Тарбия нима?
2. Ҳозирги мустақиллик даврида тарбия жараёнида қандай муаммолар пайдо бўлди ва уни қандай қилиб бартараф қилинмоқда?
3. Фаолият шахс таракқиётида қандай роль уйнайди?
4. Етакчи фаолият ва шахс шаклланишини қандай изоҳлайсиз?
5. Умуминсоний ва миллий бойликлари шахс таракқиёти ва тарбияси таъсири тавсифномасини бериш?

6. Ижтимоий фойдали фаолият ва шахс тарбияси орасида кандай боғлиқлик бор?

7. Болалар жамосини кандай ташкил қилинади?

8. Миллий онг нима?

9. Миллий гурурчи?

10. Ёшларни ватанпарварлик руҳида кандай тарбияланади?

Тарбияси қийин болалар билан кандай иш усулларида фойдаланилади?